



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Самарқандда кўришгунча, хайр

Фаргона шаҳридаги «Истиклол» стадионида 28 май куни «Универсиада — 2016» республика спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар замирида аҳоли, айниқса, ёшларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечирishi, эзгу орзу-истакларини рўйга чиқаришига кенг имкониятлар яратиш мақсади мужассам. «Универсиада — 2016» спорт ўйинлари давомида бу мақсадларнинг ижобати яна бир қарра намойён бўлди.



Майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри терма жамоалари кириб келди. «Универсиада — 2016» спорт ўйинлари иштирокчилари тимсолида бугун катта ҳаётга қадам қўётган, Ватанимиз раванқига муносиб ҳисса қўшаётган ёшларимиз гавдаланади. Мусобақада халқаро спорт ареналарида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб, юқори натижаларга эришаётган тажрибали спортчилар билан бирга янги истеъдод соҳиблари кашф этилди.

«Универсиада — 2016» спорт ўйинлари иштирокчиларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси — «Дамас» автомобили билан тақдирланди. Умумжамоа ҳисобидида иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган Фарғона ва Самарқанд вилоятлари жамоаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — «Дамас» автомобиллари топширилди. Мurosасиз курашларда алоҳида маҳорат кўрсатган, тенқурлари орасида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ талаба-спортчилар махсус совринларга сазовор бўлди.

«Универсиада — 2016» спорт ўйинлари иштирокчиларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси — «Дамас» автомобили билан тақдирланди. Умумжамоа ҳисобидида иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган Фарғона ва Самарқанд вилоятлари жамоаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — «Дамас» автомобиллари топширилди. Мurosасиз курашларда алоҳида маҳорат кўрсатган, тенқурлари орасида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ талаба-спортчилар махсус совринларга сазовор бўлди.

«Универсиада — 2016» спорт ўйинлари иштирокчиларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси — «Дамас» автомобили билан тақдирланди. Умумжамоа ҳисобидида иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган Фарғона ва Самарқанд вилоятлари жамоаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — «Дамас» автомобиллари топширилди. Мurosасиз курашларда алоҳида маҳорат кўрсатган, тенқурлари орасида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ талаба-спортчилар махсус совринларга сазовор бўлди.

«Универсиада — 2016» спорт ўйинлари иштирокчиларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси — «Дамас» автомобили билан тақдирланди. Умумжамоа ҳисобидида иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган Фарғона ва Самарқанд вилоятлари жамоаларига Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси — «Дамас» автомобиллари топширилди. Мurosасиз курашларда алоҳида маҳорат кўрсатган, тенқурлари орасида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ талаба-спортчилар махсус совринларга сазовор бўлди.



Муносиб номзод сайланди

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Авайхон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маҳалла раисини очик овоз бериш йўли билан сайлашди.

Маҳалла раислиги учун уч нафар номзод кўрсатилди. Улар орасидан бир неча йиллардан буюн маҳаллани самарали бошқариб келаётган Шокиржон Ризқуловга ишонч билдирилди. — Маҳалладошларимнинг ишончи келгуси фаолиятимизда янада самарали меҳнат қилишига ундайди. Худудда кичик корхоналар ташкил этиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, кичик бизнесни ривожлантириш, бандликни ҳал қилиш, шунингдек, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиши олдигма вазифа қилиб қўйганман, — дейди Шокиржон Ризқулов.

Шоҳсанам СУЮНОВА, УЗМУ талабаси



Ҳозирлик

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйи яқинлашган сари Шарқ гавҳари саналими Бухорода катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари аж олмоқда. Қадимий ва ҳамisha навқирон шаҳарнинг кўҳна обидалари, болғари, дам олиш масканлари, кўчалари янгича қиёфа касб этмоқда. Ушбу жараёнда йирик қурилиш ташкилотлари билан бирга корхона, ташкилот, муассасалар ишчи-ходимлари, излаб талаба-ёшлар, касбаба уюшма фаоллари, маҳаллалар аҳли яқдлик билан иштирок этишяпти.

Жумладан, шаҳардаги Марказий истироҳат боғи ўртасидан оқиб ўтувчи Шоҳруд канали, Хотира хиббони йўлаклари қайта таъмирланди. Мемориал ёдгорлигининг ён-атрофлари ободонлаштирилди. Худуддаги X аср миллий мейморчилик санъатининг ноёб дурдонаси — Исмоил Сомоний мақбараси ёнидаги ҳовуз оҳақтошлари тозаланди. Мақбара атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Эски шаҳарнинг диққатга сазовор иншоотларидан бири — Арқ қалъасида ҳам йирик ҳажмдаги таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бу ерда қурувчи-муҳассислар қадимий ёдгорлигининг «Саломхона»сини асл ҳолатга келтиришяпти. Қальонинг олд томонидаги Регистон майдонида сатҳи саккиз минг квадрат-метр бўлган майдонда йўлак плиталари янгиланмоқда. Юмушларда «Бухорога саноат қурилиши» АЖ, Бухоро махсуслаштирилган илмий таъмирлаш-ишлаб чиқариш бошқармаси, Фарғонанинг «Чинқўрғон» фирмаси бинокорлари алоҳида шикоят буюрсатишяпти.

Иззатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Қарор ва ижро

Халқ фаровонлиги — устувор масала

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсишининг барқарор суруятлари таъминланганлиги, галла мустақиллигига эришилганлиги, ишлаб чиқариш босқичма-босқич диверсификация қилиб борилиши натижасида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги тўлиқ таъминланиб, соҳанинг экспорт салоҳиети тобора ортиб бораётганлиги замирида аграр секторда Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган туб ислохотлар изчил амалга оширилаётганлиги ҳамда улар доимий равишда такомиллаштириб борилаётганлиги каби муҳим омиллар мужассамдир.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилган чўқур таркибий ўзгаришлар самараси Улароқ биргина 2015 йилда 12 миллион 592 минг тонна сазавот ва картошка, 2 миллион 731 минг тонна мева, 1 миллион

850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум етиштирилди.

Шу билан биргаликда, Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 15 январдаги мажлисида таъкидлаганидек, қишлоқ хўжа-

лиги хомашёсини чўқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Утган 2015 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сифимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса, йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлашда муҳим ўрин тутмоқда.

»(2).

Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати

Бола ҳуқуқлари ҳимояси доимий эътиборда

Бутун дунё бўйлаб ҳар йилнинг 1 юни «Халқаро болалар куни» сифатида нишонланади. Ушбу байрам кўпчилик давлатларда «Халқаро болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни» деб ҳам эътироф этилади.

Қизик, Халқаро болалар куни нега айнан 1 июнда нишонланади? Бу борада бир қанча фаразлар мавжуд. Хусусан, илк марта мазкур куни нишонлаган 1925 йили Женевада болалар фаровонлигига бағишланган Бутунжаҳон конференциясида илгари сурилган. Ушбу конференция ўтказилиш санаси айнан 1 июн кунига тўғри келган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг болаларнинг саломатлиги ва ҳуқуқлари дунё ҳамжамияти олдидидаги энг долзарб муаммолардан бирига айланган. 1949 йили Париж шаҳрида Халқаро аёллар демократик федерациясининг конгрессида болалар ҳуқуқларини камситишга қарши курашиш дунёдаги ҳар бир мамлакат аҳолиси олдига турган бирламчи вазифалардан эканлиги таъкидланди ва йилнинг бир кунини айнан шу мавзуга бағишлашга қилишиб олинди. Халқаро болалар куни илк марта 1950 йилнинг 1 июнида нишонланган эди. Халқаро болалар куни учун махсус байроқ ҳам

ишлаб чиқилган. Мазкур байроқ ўзининг рамзий маъносига эга. Орқа фондаги яшил ранг юксалиш, беғуборлик, фаровонлик рамзи бўлса, марказдаги Ер шарни ва унинг атрофидаги қизил, кўк, сариқ, оқ ва қора ранглар дунёнинг исталган бурчагидидаги болалар ирки, миллатидан қатъи назар тенг эканлигини ифодалайди.


Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида гап кетганда, энг аввало, кўз олдимида «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция келади. Мазкур Конвенция Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25-қарори билан қабул қилинган ҳамда 1990 йил 2 сентябрда 49-моддага мувовиқ кучга кирган. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Республика Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги қарорига мувовиқ қўшилди ва у 1994 йил 29 июлда кучга кирди.

»(3).



Талабаларга сертификатлар топширилди

>> 2



Сўлим оромгоҳ сари

>> 3



Тадбиркорлик — иқтисодиёт таянчи

>> 4

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда ҳам улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган брифингда бу борадаги ишлар хусусида маълумот берилди.

Пойтахт кўчалари янада равионлашмоқда

Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бошқарувчиси ўринбосари М.Обидов, «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси директори С.Орипов ва бошқалар пойтахтимиздаги трамвай йўлларининг демонтаж қилиниши муносабати билан йўл қопламаларини

Трамвай йўллари демонтаж қилиниши билан пойтахт туманларидаги кўп қабатли кўчаларда йўл қопламалари тикланмоқда. Ҳозирги вақтгача Меҳржон, Саккокий, 8 март кўчалари таъмирдан чиқарилган. Йўл ўтказгичларнинг туннель қисмларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб,



тиклаш, магистрал кўчаларни реконструкция қилиш, йўл ўтказгичлар, йўл ва йўлакларни таъмирлаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.

Абдулла Қодирий кўчасидаги, Мустақиллик ва Абдулла Қодирий кўчалари ҳамда Кичик халқа йўли кесишувиди, шунингдек, Дўрмон йўли кўчасидаги йўл ўтказгичларда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, ўндан зиёд кўчада йўл ва йўлакларни капитал ва жорий таъмирлаш кўзда тутилган.

Айни кунларда Мустақиллик, Амир Темур, Афросиёб, Мирзо Улуғбек, Дўрмон кўчаларида реконструкция ишлари поёнига етмоқда. Нурафшон кўчасининг Беруний кўчасидан Чилонзор Оқтепа майдонича қисми ҳамда Нукус кўчасини Муқимий ва Бобур кўчалари оралиғида узайтириш, Мирзо Улуғбек кўчасидан Оҳангарон шоссесигача Тараққиёт кўчасини қуриш ишлари давом этмоқда. Шота Руставели ҳамда Муқимий кўчалари кесишувиде йўл ўтказгич барпо этилмоқда.

Буларнинг барчаси пойтахтимизда транспорт инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун янада қулай имкониятлар яратиш, шаҳар экотизимининг мусавволигини таъминлаш, одамларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Б.БОЗОРОВ, ЎЗА мухбири

Халқ фаровонлиги — устувор масала

Ў(1).


Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Матбуот хизматидан хабар беришларича, бугунги кунда серкўёш заминимизда етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига дунё бозориде тобора талаб ортиб бормоқда. Хусусан, мамлакатимиз бир қатор мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёдаги етакчи ўн та давлат қаториде туради. Халқимиз эҳтиёжидан ортиқча 180 турдан зиёд мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосиде тайёрланган маҳсулотлар АҚШ, Япония, Таиланд, Индонезия, Мўғулистон, Саудия Арабистони, Россия, Словакия сингари 80 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда.

2015 йилда мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасиде Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришганлиги учун БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО) томонидан мукофотланган 14 давлатдан бири бўлгани ҳам Ўзбекистон аграр соҳаси нақадар шиддат билан юксалиб бораётганлигидан далолат беради.

Истиқболда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигиде амалга оширилаётган туб ислохотлар ва таркибий ўзгаришларини янада чўқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини етиштиришни янада ривожлантириш борасиде бир қатор устувор йўналишлар белгиланганлигини алоҳиде таъкидлаб ўтиш зарур.

Президентимизнинг 2015 йил 29 декабрдаги «2016 — 2020 йилларда қишлоқ ҳўжалигини янада ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2020 йилгача бўлган даврда пахта ва бошоқли дон майдонларини босқичма-босқич камайитириш ҳисобига озиқ-овқат экинлари майдонларини кўпайитириш белгилаб берилган бўлса, жорий йил 12 апрелда қабул қилинган «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосиде етиштирилаётган мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаш, ички истеъмол бозорини ўшбу маҳсулотлар билан янада барқарор таъминлаш ва бир вақтнинг ўзиде уларнинг экспорти ҳажмини янада ошириш бўйича бир қатор муҳим чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳужжатда белгиланган чора-тадбирлар соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Қарорда мамлакатимиздаги қайта ишлаш корхоналарини хомашў



ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш, шунингдек, ташқи бозорларда хариддориги ва рақобатбардош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайитириш ва турларини кенгайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантириш юзасидан устувор вазифалар белгиланган.

Қарорга асосан фермер ва деҳқон ҳўжаликларида етиштирилаётган мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотлари қайта ишловчи, тайёрловчи ва экспорт билан шуғулланувчи корхоналар томонидан келишилган бозор наҳларида харид қилинади ва бунда маҳсулот етиштирувчиларга контрактация шартномалари асосиде шартнома қўй-матининг 40 фоиздан кам бўлмаган миқдорда аванс маблағлари берилади. Бу эса ишлаб чиқарувчиларнинг жорий харажатлари учун зарур бўладиган айланма маблағлар масаласини қулай ва осон ҳал қилиш имконини беради.

Шу билан биргаликда, қарорда ҳўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари «Ўзғрозэкспорт» иختисослаштирилган ташқи савдо компанияси томонидан тўғридан-тўғри тузилган экспорт шартномалари, шунингдек, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, агрофирмалар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасиде тузиладиган комиссия шартномалари бўйича экспорт қилиниши, бунда комиссия хизмати учун

тўлов миқдори 1 фоиздан ошмаслиги белгилаб қўйилган.

Қарорда тижорат банкларига фермер ва деҳқон ҳўжаликларида мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш учун давлат буюртмаси бўйича бўнак ва якуний ҳисоб-китоблар учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ставкада кредит ресурслари ажратиш тавсия этилди. Бу ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш жараёналари ҳамда якуний ҳисоб-китобларини молиялаштиришда жуда катта имконият яратади.

Қарорга асосан ҳўл ва қайта ишлан-

ган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартномалар тузиш учун хорижий компанияларнинг фаол иштирокида халқор мева-сабзавот маҳсулотлари яхримаркаси ўтказилишининг белгиланиши хорижий шериклар билан узок муддатли, тўғридан-тўғри муносабатлар ўрнатиш, жаҳон бозорига янада жадал кириб бориш имкониятини беради.

Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлайдиган хусусий мулк шаклидаги корхоналар, идоровий мансублигидан қатъи назар, 2019 йилнинг 1 январигача замонавий ускуна ва технологиялар олиб киришда божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилади. Шунингдек, «Ўзбекизон-қовқатхолдинг» таркибига кирадиган қайта ишлаш корхоналари (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ, давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилди.

Бу каби солиқ ва божхона имтиёзларининг берилиши мазкур субъектларнинг бўшаган маблағлар ҳисобидан ишлаб чиқаришни яхшироқ қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, маҳсулот тайёрлаш ҳажминини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш ва мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини рағбатлантириш билан бирга, жаҳон бозорига Ўзбекистон заминиде етиштирилган маҳсулотларининг салмоғи янада ошишига хизмат қилади.

Улуғбек ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири



Маҳорат мактаби



Талабаларга сертификатлар топширилди

Қайд этиш жоиз, Президентимиз раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини ислох қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш бўйича босқичма-босқич чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Истиқбол йилларида оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасиде тизимли ишлар қилинди. Натигада, матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолияти, уларда меҳнат қилаётган ходимлар малакасига эътибор кўчайтирилди. Бу эса жамиятда ОАВ ролини кўчайтириш, унинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга, шунингдек, барча соҳалардаги туб ўзгаришлар очкилигини таъминлашда алоҳиде аҳамият касб этмоқда.

Мазкур тадбирда мамлакатимизда журналист кадрларни тайёрлашга алоҳиде эътибор қаратиб келинаётгани қайд этилди. Тахририят қошидаги «Маҳорат мактаби» фаолияти ҳам айнан назариянинг амалиёт билан уйғунлашувига қўмаклашиш, талабаларни қўллаб-қувватлаш, маҳорат ва малакасини ошириш, тахририятга ёш

Бўлажак журналистларни қўллаб-қувватлаш, уларда амалий кўникмаларни шакллантириш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши нашри бўлган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти қошида ташкил этилган «Маҳорат мактаби» тингловчиларига сертификатлар топширилди.

кадрларни жалб этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Жорий йил март — май ойларида Ўзбекистон Миллий университетини ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетини журналистика факултетларининг 7 нафар талабаси ўшбу машғулотларда қатнашиб, газета саҳифаларида материаллари билан фаол иштирок этишди.

Яқунда «Маҳорат мактаби» тингловчиларига сертификат ва эсдалик совғалари топширилди. — Биз талабаларнинг амалиётни чўқур ўрганишимизда ўз кўмагини аямаётган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририятига миннатдорлик билдирамиз, — деди ЎзМУ журналистика факултети талабаси Наврўзшоқ Худойқулзода. — Уч ой давомида тахририят фаолиятдан келиб чиққан ҳолда касбий маҳорат ва материал тайёрлаш, таҳлил ва тахрир каби журналистика сир-асрорларини янада чўқур ўргандик. Бу келгусидаги фаолиятимизда ақолишни шубҳасиз. Бундан ташқари, устоз журналистларимизнинг ибратли фикрлари, тахририятдаги ижодий муҳит ҳам биз учун тажриба мактаби бўлди.

Ўз мухбиримиз

Касаба уюшмалари — болаларга

Қувонч улашиб

Эътибор қилганмиз: болалар билан кечган кун ҳар қандай байрамдан аъло. Ҳар қандай байрам эса болалар билан гўзал. Уларнинг шодон кулгуси, бегубору беозор «тўполонларисиз энг тўкин дастурхонинг ҳам файзи, куй-кўшиқнинг таровати, гўзаллиқнинг қалбга оташ солгучи харорати тўғримади. Уларнинг айнан ўзига бахшида этилган кун — болалар байрамида эса бу қувонч янада кўпроқ, янада давомлироқ бўлиши керак.

Шу мақсадда Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан байрам завқини қалбларда давомли қилишни кўзлаган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси доирасида ташкил этилаётган тадбирларда «Соғлом она ва бола

йили» Давлат дастурида кўзланган мақсадларни амалга ошириш ҳам алоҳиде эътиборга олинган. Жумладан, ҳар бир тумандан 3 нафардан, жами 36 нафар болаларнинг «Биз — Мустақиллик фарзандларимиз» шiori остида Республика ҳамда вилоятнинг тарихий ва бунёдкорлик иншоотларига саёҳатлари уюштирилмоқда. Ҳар бир шаҳар ва туманлардан 45 нафардан, жами 540 нафар «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оила фарзандлари, иқтидорли болалар учун мейзага, маданият ва истироҳат боғларига таширлар ташкил этилди. 50 нафар «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари ҳамда 100 нафар иқтидорли болаларга соғломлаштириш оромгоҳларига бепул йўлланмалар бериш давом этмоқда.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

Саёҳат

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Навоий шаҳар ҳамда туман кенгашлари «Kasaba sayr» шўъба корхонаси билан ҳамкорликда 50 нафар ишчи-ходимнинг Хива, Урганч шаҳарларига саёҳатини уюштирди.

ШАРҚ ДУРДОНАСИ САРИ

Хива шаҳрининг «Ичан қалъа» мажмуаси таркибидеги Калтаминор. Хива хонлиги қароргоҳи. Паҳлавон Маҳмуд макбараси. Кўҳна Арк. Тош хоҳли саройи ва кўллаб қадимий осори-атиқалар саёҳатчиларда хайрат уюлтиди. Шунингдек, улар миллий ҳўнармандчилик, халқ амалий санъати дурдоналари билан ҳам яқиндан танишди.

У.АХМЕДОВ, тармок касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Маънавият соати

Муносиб ворислик туйғуси

Мамлакат қудрати, унинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти аҳоли сони билангина эмас, жамият маънавияти билан ҳам белгиланади. Бу борада юртимизда маънавиятимиз сарчашмаси бўлиш буюк аجدодларимиз меросига юксак эътибор қаратилаётганидан ҳар қанча фахрланасак арзийди.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Темирйўлчилар ва транспорт қуврилари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ўтказилган «Маънавият соати»да шу ҳақда сўз юритилди. Унда иштирок этган Федерация Кенгаши, касаба уюшма Республика кенгашлари аппарати, Санатор-курортлар бошқармаси ходимларининг ҳар бирида масъулилик, дахлдорлик ҳисси юксалиб, буюк аждодлардан фахрланиш, муносиб ворислик туйғулари янада кучайди.

Айниқса, тадбир аввалида намойиш этилган «Биз ким эдик?» фильми ўзликини англашда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга, қалбларни истиқлол шавқи ва ғурури билан тўлдирди.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти олимлари томонидан «Буюк аждодларимиз ҳаёти ва бугунги кунда инсониятни ҳайратга солиб келатган ютуқлари — маънавий жасорат намунаси» мавзусининг мазмун-моҳияти тушунириб берилди.

— Бугунги «Маънавият соати» миллий гоияни ўзиде ифода этиш билан эътиборга лойиқдир, — дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси Дилором Тошматов. — Дарҳақиқат, тарихий хотира инсонга ўзлигини таъини, унинг иродасини тоблайди. Утмишини, аждодлари меросини яҳши билган одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар тасвирига тортиш мумкин эмас. Негаки, тарих сабоқлари одами хамиша ҳўшёрликка ўргатади.

Ўз мухбиримиз

Танлов


Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, республика Вазирлар Кенгашининг ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими бошқармаси ва Қорақалпоқ давлат университети ҳамда қоралогийда «Меҳнат ҳуқуқи билдимони» танловининг худудий босқичи ўтказилди.

Ишонч билдимони

Танловда республикадаги барча ўрта махсус, касб-ҳўнар муассасаларидан 71 нафар ўқувчи қатнашиб, таълим жараёнида эгаллаган билдимларини синовдан ўтказди. Унда энг юқори балл тўллашга муваффақ бўлган Қўнғирот тиббиёт коллежи ўқувчиси Р.Ибадуллаева биринчи, Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Х.Баймуратова иккинчи, Тахтақўпир қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳўнар коллежи ўқувчиси М.Таўжанова учинчи ўринни эгаллади. Ғолиблар танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш баробарида, бирлашма кенгашининг дипломи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Зулҳандер ДАЎЛЕТОВ, Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлими етакчи юристконсулти

Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати



Бола кулгисиди бахтнинг рамзи, тинч-осоийшта ҳаёт тимсоли бор. Бугун республикамизнинг қай бир гўшасига борманг, Ватан кучоғида яйраб камолга етаётган истиклол эгаларининг шодон овози — қувноқ кулгиларига гувоҳ бўласиз. Бахтиёрлик уфуриб турган бу овоз қулоққа канчалар ёқимли эшитилади.

Умидимиз юлдузлари, истиклол ғунчалари

Мамлакатимизда жисмон ва маънавий соғлом, ҳар томонлама етук, мустақил фикрлайдиган, ривожланган интеллектуал қобилиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга бўлган, ўз тақдири ва Ватани келажиги учун масъулиятни зиммасига оладиган баркамол авлодни тарбиялаш давлат ва жамият олдида турган энг муҳим йўналишлардан биридир. Ўзбекистон касабаси уюшмалари ҳам ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган бу йўналишдаги сиёсатни қўллаб-қувватлаган ҳолда, ҳар томонлама соғлом авлод ҳақида ғамхўрлик қилишга ўзининг устувор йўналишларидан бири сифатида қараб, бу борадаги ишларни изчил амалга ошираётир.

Шу жумладан, касабаси уюшмалари томонидан 2 минг нафар «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчиларига, 500 нафар иқтидорли болаларга оромгоҳларга бепул йўлланмалар берилди. Байрам муносабати билан Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган тадбирга 500 нафарга яқин «Меҳрибонлик» уйлари, болалар шаҳарчалари ва мактаб-интернат тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари тақдир этилди. Уларга аттракцион чипталари ва эсдалик совғалари берилди. Шунингдек, 199-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактабга касабаси уюшмаларининг қимматбахо совғаси, «Меҳрибонлик» уйлари ва Болалар ижтимоий мослашуви марказининг 50 нафар тарбияланувчисига энг яхши оромгоҳларга йўлланмалар берилиши кўзда тутилган.

Хусусан, республикамизнинг ҳар бир ҳудудидан биттадан болалар махсус ёрдამчи мактаб-интернатларига касабаси уюшма совғалари топширилади. Шунингдек, ҳар бир ҳудуддан 500 нафардан, жами 7 минг нафар «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, иқтидорли ўқувчиларининг жойлардаги музей, ботаника, ҳайвонот, маданият ва истироҳат боғларига ташрифи ташкил этилади. 350 нафар боланинг «Биз — Мустақиллик фарзандларимиз» шiori остида республикамизнинг тарихий шаҳар ҳамда ўз ҳудудларидаги бунёдкорлик иншоотларига саёҳатлари уюштирилади.

Болаларнинг бу йилги ёзги соғломлаштириш мавсуми ҳам айнан 1 июндан бошланади. Бунинг учун республикадаги барча болалар соғломлаштириш оромгоҳлари дам олувчиларини қабул қилишга шай ҳолга келтирилган. Бу йил республикамиз оромгоҳларида 290 минг нафардан ортиқ болаларни соғломлаштириш режалаштирилган.

Эҳтиборхон РАХМОНОВ, ЎзКУФК
Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бош мутахассиси

Бола ҳуқуқлари ҳимояси доимий эътиборда

Ушбу Конвенция 54 моддадан иборат бўлиб, унинг бандлари болалар ҳуқуқларини таъминлаш, болаларни жисмоний ва руҳий қийноқлардан асраш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича ягона ҳуқуқий кўрсатмаларни белгилаб беради. У БМТга аъзо давлатларнинг деярли барчаси томонидан қабул қилинган.

Ўзбекистонда бола ҳуқуқларининг кафолати давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, ўтган давр мобайнида ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратилмоқда.

да ҳам шундай бўлиб қолиши шубҳасиз. Чунки, спорт — бу аввало соғлом авлод, соғлом келажак дегани. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Хуш, бола деганда ўзи кимлар назарда тутилади? «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг 1-моддасида 18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон, агар болага нисбатан қўлланиладиган қонун бўйича у эртақор балоғатга етмаган бўлса (эмансипация), бола ҳисобланиши белгиланган.

Президентимиз ташаббуси билан юртимизда 2000 йил «Соғлом авлод йили», 2001 йил «Оналар ва болалар йили», 2005 йил «Сихат-саломатлик йили», 2008 йил «Ёшлар йили», 2010 йил «Баркамол авлод йили», 2014 йил «Соғлом бола йили» дея эълон қилинди.

Республикамизда бола ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қонунчилик тизими яратилган. Жумладан, бу тизим Конституция, Фуқаролик, Оила, Меҳнат, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни, «Таълим тўғрисида», «Вояга етмаганлар ўртасида нозоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунлар ва бола ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадларини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олади.

Конвенцияда «Иштирокчи давлатлар ўз таъсир доирасида бўлган ҳар бир бола учун кўзда тутилган барча ҳуқуқларни, ҳеч қандай камситишларсиз, ирки, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодлари, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, боланинг соғлиғи ва туғилиши, унинг ота-онаси ёки қонуний васийси ёки бирор-бир бошқа ҳолатлардан қатъи назар, ҳурмат қиладилар ҳамда шу ҳуқуқларни таъминлаб берадилар» деган қоида белгилаб берилган.

Юртбошимиз мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ «Соғлом авлод» тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш қизғиндир», дея таъкидлаганида нақадар ҳақ бўлганлигини бугун замоннинг ўзи кўрсатмоқда. Юқоридаги сўзлар давлатимизнинг истикболдаги бош мақсадни белгилаб берди.

Айтиш жоизки, мустақиллик йилларида бола ҳуқуқларига доир 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси болалар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид 38 та халқаро ҳужжатнинг иштирокчисидир. Буларнинг барчаси мамлакатимизда бола ҳуқуқларини таъминлашга, фарзандларимизнинг бахтли ҳаёт қўйида яшашига хизмат қилиши шубҳасиз.

Дилшод АБДУҚОДИРОВ, ЎзКУФК Юридик бўлими етакчи юристконсулти

Мамлакатимизда ҳар бир бола меҳр, эътибор оғушида. Айниқса, ёш авлоднинг маънавий камолоти йўлида қилинаётган тадбирларни санаб саногига, айтиб адоғига етиш қийин. Анъанавий тарзда ўтказилаётган китоб байрамлари, болалар китоби фестиваллари, турли танлов ва тадбирлар навқирон авлодни илму маърифатга янада ошно этаётгани билан аҳамиятли.

Энг яхши сармоя

Мана, ёзги таътил ҳам бошланиб, ҳадемай болажонларимиз дам олиш оромгоҳларига йўл олишади. Уларнинг маънавий-маърифий камолоти, тарбияси билан шуғулланиш эса бир лаҳзага ҳам тўхтамайди. Айниқса, оромгоҳларда болаларбоп, қизиқари яхши китоблар ўқиш имконияти яратилаётгани, навқирон авлод маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган, кўтаринки кайфият ва юртдан фахрлини туйғуларини оширадиган кўшиқлар кўпайиб бораётгани эътиборга лойиқдир.

Бу борада Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ташаббуси, эътибори ва қўллаб-қувватлаши маънавий-маърифат ақли, айниқса, ихдорларни қувонтирмоқда. Утган йили бир қатор вазирилк ва ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган болалар кўшиқлари, шеърлари ва куйларини яратиш бўйича республика ижодий танлови муҳим аҳамият касб этди. Таъкидлаш жоизки, бу танлов ўз вақтида ўтказилди. Зеро, болажонларнинг маънавий-руҳий тарбияси тақомилда қўшиқнинг ўрни беқийс. Қўшиқ ҳеч бир тўсиқсиз қалбга, онгга кириб бориб, кучли таъсир эта оладиган маънавий қудратдир.

Ушбу нуфузли танловда кўп шоир ва бастакорлар иштирок этди. Жумладан, мен ҳам унда қатнашиб, «Кўшиқ учун ёзилган энг яхши шеър» номинацияси бўйича 1- «Энг яхши марш қўшиғи» номинацияси бўйича эса 2-ўринни олдим ва диплом ҳамда ноутбук билан тақдирландим. Бу бир ихдоркор сифатида менга завқ, илҳом, янги ижодий парвозлар сари қанот берди. Танловнинг бу йилги босқичидан ҳам умидимиз катта.

Донолар айтганидек, энг яхши сармоя болаларга аталганидир. Муҳими, танлов шарофати билан яратилган дилбар шеър-қўшиқлар ёш авлод қалбига ифтиқор уйғотиб, уларни истиклолга садоқат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда беқийс ўрин тутди.

Дилшод РАЖАБ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, болалар шоири

Сўлим оромгоҳ сари

Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидаги «Катта ваҳшвор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган «Мироб» оромгоҳида болаларни ёзги соғломлаштириш мавсумига муносиб тайёргарлик кўрилади. Воҳида меҳнат қилаётган педагог, фермер, саноат ва тадбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатаётган ишчи-ҳодимларнинг 200 нафар фарзанди мириқиб дам олиши учун барча шароит яратилди. Касабаси уюшмаси ҳар галгидек барча ишнинг бошида турди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари Жарқўрган туман тиббиёт бирлашмаси касабаси уюшмаси кўмитаси «Соғлом она ва бола йили» давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида кам таъминланган ҳодимларнинг 35 нафар фарзандини «Мироб» оромгоҳида бепул соғломлаштириш ташаббуси билан чиқди. — Бу мавсумда оромгоҳимизга дам олувчилар ҳар йилдагидан кўп келиши кутилмоқда, — дейди оромгоҳ директори Бахтиёр Азизов. — Биринчи навбатда 200 нафар ўқувчини қабул қиламиз. Яна 3 навбатда 600 нафардан жами, 800 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган. Уларнинг ёзги таътилининг ёдда қолари тарзда ташкил этиш учун астойдил ҳаракат қилаётимиз. Вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси, хомийлар саяё-ҳаракати тўғрисида озиқ-овқат билан таъминлашдан тортиб, маданий ва маърифий тадбирлар ташкил этиш масаласига ҳам ҳал қилинди. Унлаб тўғараклар қатори инглиз тили фани тўғраги ҳам фаолият кўрсатади. Энг муҳими, оромгоҳимизда экологик тоза, шифобахш бўлуқ сувидан фойдаланилади.

Хуллас, «Мироб» оромгоҳида келажакимиз эгаларининг кўнглини ҳордиқ чиқариши учун яратилган шароитларни кўриб, дилнинг яйрайди.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Махсус жиҳозланган майдончада ўйнаётган кичкинтойларни кўрганда кимнинг ҳаваси келмайди, дейсиз. Мактабга таълим муассасамизда бўлсангиз, 185 нафар болажонни жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб вояга етказиш йўлида малакали педагог ҳамда тарбиячиларнинг тинимсиз изланаётганига ишонч ҳосил қиласиз.

Қақажонлар яйрасин

Масканда бадий гимнастика, шахмат-шашка, миллий кураш каби ўнга яқин тўғарак фаолият юритмоқда. Биргина 2015 — 2016 ўқув йилида шахмат бўйича Мадина Мирзақуллова вилоятда биринчи, бадий гимнастика бўйича Азиз Ақромов иккинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Эъзола Мамашарипова, Бобур Мирзаев, Муҳаммад Дилмуродов каби тарбияланувчилар туманда ўтказилган турли спартакиадада фахрли ютуқларни қўлга киритишди. Бу борада «Бойчечак» гуруҳи етакчиси, «Йил тарбиячиси — 2014» республика кўрик-танлови иштирокчиси Азиза Амирова, «Ғунча» гуруҳи етакчиси, «Туманинг энг яхши тарбиячиси — 2015» номинацияси ғолиби Тожиқол Холова ўз таъриби ва маҳоратларини аяматганини алоҳида тилга олиш мумкин. Ўқув йили бошида замон талаблари даражасида жиҳозланган спорт комплексининг тўлиқ таъмирдан чиқарилгани барчамизга қувонч бағишлади. Бу ердаги ар-



қонда тортилиш, шахмат-шашка, стол тенниси, бадий гимнастика ҳамда кураш майдончалари кичкинтойлар ихтиёрида. Соғлом она ва бола йилида жамоамиз ўртасида жисмоний тарбия ҳамда спортга бўлган эътибор янада кучайтирилди. «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи», «Соғломжон — полвонжон» каби туман мусобақаларида болажонлар фаол иштирок этишди. Бу каби тадбирларни ташкил этишда спорт йўриқчиси Нодира Қурақова ва катта ҳамшира Меҳри Абдурамажидованинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Улар бироз нимжон ва тез-тез шамоллаб қолувчи болалар учун алоҳида дафтар юритган ҳолда, назоратни кучайтириб, ҳафтада икки марта қўшимча машғулотлар олиб боришади. Шунинг учун ҳам муассасамиз кетма-кет сўнгги тўрт ўқув йилида туманда ўтказилаётган спартакиада-ларда биринчилиكنи қўлдан бермай келяпти. Муассасамизда «Саломатлик бурчаги» ташкил этилган. Ота-оналар ўртасида «Соғлом она ва соғлом фарзанд», «Спорт ва сихат-саломатлик», «Оила — меҳр булоғи» каби мавзуларда сўхбатлар бўлиб ўтмоқда. Биргина шу ўқув йилида 20 га яқин давра сўхбати, 15 дан ортиқ учрашув ўтказилди.

Сайёра ИБРАГИМОВА, Пахтакор тумани «Шодлик» номли 10-МТМ бошланғич касабаси уюшмаси кўмитаси раиси

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Молия муассасаларида



Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлидан ижил одимлаб бормоқда. Ҳар бир соҳада узоқни ўйлаб амалга оширилаётган иш-хотлар бугун ўзининг мевасини бермоқда. Хусусан, банк тизимидаги барқарор ривожланишининг асоси ҳам мамлакатимиздаги одилона сиёсат самарасидир.

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ

ёхуд банк хизматлари йил сайин такомиллашиб бормоқда



Эҳтимолларнинг пастиги, бундан ташқари, пластик карточкалардаги қолдиқларга фойзаларнинг ҳисобланиши бу борадаги муҳим ва самарали жиҳатлар ҳисобланади. Шу боис ушбу хизмат турини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида омаллаштириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди, бир қатор меъриий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Ўтган йиллар давомида соҳада эришилган муваффақиятлар кўлами ҳақида сўз кетганда, энг аввало, банкнинг аҳоли учун қулай бўлган янгидан-янги хизмат турлари жорий этилаётганини таъкидлаш жоиз. Шундай хизматлардан бири пластик карталар билан ҳисоб-китоб амалиётидир. Бугун бутун дунёда омаллашган пластик карталар билан товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш механизми мамлакатимизда ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилиши табиий. Ҳўш, бу хизмат турининг афзалликлари нимада? Нақд пулда муомала қилиш қулай эмасми? Энг аввало, бунда вақтинг тежаллиши, тўлов учун қулайлиги, пул маблағларининг йўқотилиши билан боғлиқ

Жумладан, Президентимизнинг «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириши рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ушбу йўналишдаги ишларни амалга оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Жумладан, барча тижорат банклари қатори «Агробанк» акциядорлик тижорат банки ҳам бу борада самарали натижаларни қўлга киритиб келмоқда. Хусусан, бугунги кунда банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 3,3 миллиондан ошди. Савдо ва хизмат кўрсат

тиш объектиларни тўловларни қабул қилувчи терминаллар сони эса қарийб 30 мингга етди. Бундан ташқари, аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида аҳоли гавжум жойларда пластик карточкалар орқали тўловларни амалга ошириш имконини берувчи 133 тадан ортиқ инфокиоск ва банкоматлар ўрнатилди. Шу боис, аҳолининг охириги 5 йил мобайнида пластик карточкаларга ўтказилган маблағлари ҳажми қарийб 2,7 баробарга, тўлов терминаллари орқали ўтказилган савдо трансакциялари ҳажми эса 3,5 баробарга ошди. Пластик карточкалардан янада самарали фойдаланиш, улар орқали тўловлар ҳажмини бундан-да ошириш мақсадида мижозларга янги-янги хизматлар таклиф этилмоқда. Жумладан, пластик карточкалар орқали тўловларни исталган вақтда масофадан туриб, банк операторисиз ва уларни қабул қилиб олувчи ускуналарсиз амалга оширилади. Бунда «Uzcard-Click», «Интернет банкинг», «Mobilsavdo» каби қатор тўлов хизматлари барчага бирдек манзур бўлмоқда. Биргина «Интернет банкинг» тизимига уланган мижозлар сони бугунги кунга келиб 11 мингтадан, «Мобил-банкнинг» хизматидан фойдаланаётганлари сони эса қарийб 507 мингтадан ошди. Бундан ташқари, «Мобил савдо» хизмат турига уланган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари сони 2800 тадан ошди. Ушбу хизмат турини кенг татбиқ қилиш орқали жорий йилда 15



мингта савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини жалб қилиш режалаштирилган. — Банда замонавий электрон хизматлар кўрсатиш тизими йўлга қўйилгани фаолиятимиз ривожига асқотди, — дейди Самарқанд вилоятидаги «Vik Standart» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фотиҳ Ақромов. — «Агробанк»нинг Сибб филиалидан олинган терминаллардан савдо соҳасида мижозларга самарали хизмат кўрсатдик. Банда жорий этилган бундай электрон хизматлар бир зумда ишимизни битказмоқда. Муҳими, қулай савдо хизматидан мижозлар мангун. Буни қарангки, қилган меҳнатларимиз бесамар кетмади. Янгида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2016» кўрик-танловида «Ийрик ташкилотлар ўртасидаги намунавий савдо ёки пулли хизмат кўрсатуви шохобча» номинацияси бўйича голиб бўлди. Бундай ютуқларга эришишда банкнинг кўмагини яна бир бор ҳис қилдик. Бугунги кунда банктар талбиркорлар билан нафақат мижоз, балки яқин ҳамкор сифатида ҳам мустаҳкам алоқа боғламоқда. Ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган ишбилармонларга, биринчи навбатда, банк ёрдам қўлини чўзмоқда. «Агробанк» АТБ айна кунда янги «AGROBANKMOBILE» мобил илова хизматини ҳам жорий этиш арасида. Ушбу хизмат турининг афзаллиги шундаки, у орқали яқка тартибдаги талбиркорлар барча ҳисоб рақамлари қолдиғи ҳақида он-лайн хабардор

бўлиб турадилар, тўловларни «тўлов топшириқнома»си орқали мобил телефон ёрдамида амалга оширадилар. Жисмоний шахслар эса банкка тегишли ва бошқа янгиликлардан он-лайн хабардор бўлиши, барча ҳисоб рақамлари (пластик карта, кредит, омонат ва ҳоказо) қолдиғи ҳақида ҳисобот олиши, бошқа турдаги тўловларни, яъни уяли алоқа, интернет, коммунал тўловларни он-лайн амалга ошириш, омонат турлари ҳақида маълумотлар олиш ва расмийлаштириш, кредитлар ва уларнинг фойзаларини сўндириш, пластик карталардан нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш, Марказий банк томонидан ўрнатилган чет эл валюталари курсини билиб боришлари мумкин. Шунингдек, янги ташкил этилган фермер хўжаликлари учун ўзларининг ҳисоб-китоблари, меъёрлари билан боғлиқ маълумотларни он-лайн назорат қилиб бориш имконияти яратилди. Хулоса қилиб айтганда, Агробанк томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китоблари амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами кун-кун билан кенгайиб бораётган. Энг муҳими, бу борадаги савб-ҳаракатлар ва эришилаётган натижалар, мижозларга таклиф этилаётган электрон хизматлар барчага бирдек қўл келмоқда ва манзур бўлмоқда.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ.
Хизматлар лицензияланган.

Реклама

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МҲЖ бошланғич баҳоси босқичида бошқича-босқич охири бориш шаклида ўтказилаётган очик аукцион савдосига ТАКЛИФ ЭТАДИ

Очик аукцион савдосига фермер хўжалиги ташкил этиш ва туман ҳокими билан ер майдонига бўлган ҳуқуқ бўйича ижара шартномаси тузиш шарт билан туман заҳира ерлари ҳисоби олинган қуйидаги «Богзор» қўйилмоқда:
1. Замиота тумани, «Эркин» ҚФЙ, «Эркин» массиви ҳудудига фойлият юритаётган «ERIKIN XAMIDULLAEV SHUKRILLA» фермер хўжалигидан 21-лойдха асосида туман заҳира ерлари ҳисоби олинган жами 3,0 гектар, шундан 2,7 гектар ер майдонидagi «Богзор» бошланғич баҳоси — 43 872 000 сўм.
Очик аукцион савдоси 2016 йил 1 июл кунин соат 11:00 да Республика Биржа Маркази бизнесида бўлиб ўтади. Аукцион савдоси шу кунин бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий савдоси 2016 йилнинг 15, 22 ва 29 июл кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосига иштирок этиш истагини билдириган шахслар «Заказлат пули тўғрисида»ги қўшимча имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 15% фондидан кам бўлмаган миқдордаги заказлат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МҲЖнинг «Ипак йўли» АНТЕ Тошкент шаҳар Миробод филиалида 2020800804876496001 сўми рақамига, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808 тўлашлари лозим.
Аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги ҳужжатларни таъминлаш керак:
— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномадан нусخаси, ишонли вақил иштирок этишга қўйилган билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишоннома.
— жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ишонли вақил иштирок этишга қўйилган билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишоннома.
Маъмур ҳужжатлар эълон қилинган кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунинда соат 9:00 дан 16:00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10-й, 1-қават, 16-хонада қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин тўхтатилади.
Қўшимча маълумотларни reatorservice@mail.ru ёки 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин. Хизматлар лицензияланган RR — №0008.

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МҲЖ 2016 йил май ойида ўтказилган очик аукцион савдолари натижаларини маълум қилади

- 1. Тошкент вилояти, Замиота тумани, «Туркистон» ҚФЙ, «Иттифоқ» массиви ҳудудига «ИТТИФОҚ USMONOVA MDULAYBA» фермер хўжалигидан заҳира олинган жами 7,08 гектар, шундан 6,30 гектар ер майдонида жойлашган «Богзор», бошланғич баҳоси — 4 800 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 6 240 000 сўм.
 - 2. Тошкент вилояти, Қирғай тумани, Байтўрғон қ.ф.й. да жойлашган «MARG'UBA NUR» МҲЖ балансидаги «Богзор»нинг бир қисми ташкил қилинган 20,86 гектар ер майдонидан 10,0 гектар ер майдонига жойлашган қисми, бошланғич баҳоси — 13 210 738 сўм. Сотилиш баҳоси — 17 174 300 сўм.
- Хизматлар лицензияланган RR — №0008

Тузатиш.

«Ishonch» газетасининг 26.05.2016 йилдаги № 63 (3724)-сонида берилган эълонинг 2015 йил 24 июн кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй маълумотида деган жўмласи: «2016 йил 24 июн кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй маълумотида ташкил қилинган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 17.11.2015 йилдаги 10-1520/19604-сонли Хал қилува қарорига асосан банкрот деб топишган Тошкент шаҳар «PIONEER TAXI PLUS» масъулияти чекланган жамияти кредитдорларининг 20.05.2016 йилдаги йилгилик баънига ва тузатиш бошқарувчисининг 23.05.2016 йилдаги 35-сонли бюртмага асосан жамият ҳисобиди қуйидаги автотранспорт воситалари ЛОТ тартибда қўйилмоқда деган жўмласи: — 2016 йил 24 июн кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй маълумотида ташкил қилинган савдоларга Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 17.11.2015 йилдаги 10-1520/19604-сонли Хал қилува қарорига асосан банкрот деб топишган Тошкент шаҳар «PIONEER TAXI PLUS» масъулияти чекланган жамияти кредитдорларининг 20.05.2016 йилдаги йилгилик баънига ва тузатиш бошқарувчисининг 23.05.2016 йилдаги 35-сонли бюртмага асосан жамият ҳисобиди қуйидаги автотранспорт воситалари ЛОТ тартибда қўйилмоқда деб ўқилсин.
Манзили: Тошкент шаҳар, Буюк Турон кўчаси, 42-уй. Тел: (0-371) 233-21-18. E-mail: ktm.s.re@mail.ru. Гувоҳнома: № 006263.
Хизматлар лицензияланган.

Бухоро вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бир-лашмаси кенгаши жамоаси Ўзбекистон агроасонат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Абдусалом Раҳмоновга опаси Солиҳ РАҲМОНОВнинг вафоти муносабати билан қучуқ ҳамдардлик билдиради.

ИПОТЕКА BANK

Мустақиллик йилларида юртимизда иқтисодийни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги турли бюрократик тўсиқ ва голларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимиз ҳамда ҳукуматимиз томонидан кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги эътибор соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этяптир.

Айниқса, ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш борасида, айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида имконият қатталиги инобатга олиниб, молия муассасалари томонидан соҳани янада тараққий эттириш йўлида ташаббус кўрсатаётган тадбиркорларга молиявий кўмак бериб келинаптир. Жумладан, юртимиздаги йирик молия муассасаларидан бири «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банкнинг ҳам бу борада эришилган муваффақиятларида аҳолига кенг қўламда банк хизматларини тақдим этиш жараёнида у кичик бизнеснинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган савдо ва умумий овқатланиш, майиш хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш каби қатор тармоқларнинг шиддат билан ривожланишида фаол қатнашиб келмоқда. Эътиборли томони, мамлакатимиз истеъмол бозорига эҳтиёж юқори бўлган маҳсулотларнинг асосий қисми хусусий сектор томонидан ишлаб чиқарилади. Уларнинг аксарияти рақобатбардош, жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган товарлардир. Ўз навбатида, банк томонидан ажратилаётган сармоялар микдори ҳам ўсиб бормоқда. Жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган маблағ 69 млрд. сўмини ташкил этган бўлса, оливайи тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга ажратилган 4,5 млрд. сўм микдорда кредитлар мақсадли лойиҳалар рўйи учун йўналтирилди. «Ипотека-банк» томонидан ажратилаётган

ТАДБИРКОРЛИК — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

сармоялар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий йўналтирилганлиги билан ҳам алоҳида эътиборга молик. Масалан, банк филиаллари орқали аёллар ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантириш мақсадида жорий йил май ҳолатига кўра, 41 млрд. сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, саноат ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш, шунингдек, иқтисодийнинг аксарият улуши қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ қолган вилоятларда ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун 89 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ҳамда озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришга 47 млрд. сўм микдорда кредитлар ажратилмоқда. Шу ўринда айтиш мумкинки, аҳоли орасида ишбилармонлик кўникмаларини мустаҳкамлаш, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги каби ўрта синф манфаатларидан келиб чиқиб, хусусан, ёшлар, касб-хунар коллежи битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга қаратилган лойиҳалари учун қарийб 6,6 млрд. сўмлик кредитлар ажратилгани аҳолининг барча қатламга сифатли банк хизматлари кўрсатиб келинаётганидан дарак беради. Банк томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар доирасида юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон бозорига ўз харидорига эга бўлаптир. Бир сўз билан айтганда, «Ипотека-банк» мамлакатимиз етакчи банклари қаторида иқтисодийнинг барча жабҳаси ривожланишида фаол иштирок этиш борасида, молия бозорига ўзининг нуфузли мақомини мустаҳкамлаб бормоқда. Бу эса маҳаллий ишбилармонлар ва хорижий ҳамкорлар эътиборини кенг жалб қилиб, «Ипотека-банк» фаолияти жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари — «Moody», «Standart&Poors» томонидан «Барқарор» деб баҳоланмоқда.

Бердах ТУРДАКОВ,
«Baker Group Nukus» масъулияти чекланган жамият раҳбари:
— Юртимизда эндигина фаолиятини бошлаётган ёш тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароит, имконият ва имтиёزلарнинг чек-чегараси йўқ. Ҳозирда катта ҳаёт оstonасида турган ҳар бир ёш авлод тақдир, айниқса, уларни иш билан таъминлаш ниҳоятда долзарб масала. Мен ҳам бизнесини нон ва нон маҳсулотларини тайёрлашдан бошладим. Ҳозирда корхонамизда 7-8 хил маҳсулот тайёрлаб, элимиз дастурхонига етказиб берамиз.



Ўзингизга маълумки, Хоразм нонларининг донғи етти иқлимга кетган. Соҳада тажрибамиз, иштиёқимиз, ўзига хос лойиҳаларимиз бор бўлса-да, ишининг ривожига молиявий жиҳатга боғлиқ бўлиб қолганди. Барчасини ҳисоб-китоб қилиб, банкка мурожаат этдик. «Ипотека-банк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали лойиҳаларимизни доим қўллаб-қувватлаб келмоқда. Биргина ўтган йилни оладиган бўлсак, хомашё сотиб олиш мақсадида банкдан кўмак сўрадик. Лойиҳамизни кўриб чиққач, банк 100 миллион сўм кредит ажратди. Табиийки, бу фаолиятимизни янада ривожлантириш учун имкон яратди. Маҳсулотларимизни харидорларга доимий етказиб бериш учун янги техника сотиб олиш, шунинг баробарида, янги иш ўринлари очишга муваффақ бўлдик. 5 нафар тенгдошим иш ўрнига эга бўлди. Биргина ўтган йили 123 миллион 500 минг сўмлик маҳсулотни харидорларга етказиб бердик. Маҳсулотлар сифатли ва арзон бўлса, харидори кўп бўлиши аниқ. Савб-ҳаракатларимиз банк жамоаси томонидан ҳам оқсак баҳоланиб, жорий йил IX «Bank-expo» миллий кўргазмасида «Касб-хунар коллежи битирувчиси томонидан амалга оширилган энг яхши лойиҳа» номинациясига муносиб топилди. Билдирилган оқсак ишондан руҳланган ҳолда бу йил фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Қўллаб янги иш ўринларини яратиб, уларга коллеж битирувчиларини жалб этишга ҳаракат қилаёламиз. Ушбу эзгу ниятларимиз ушалишида ҳам яқин ҳамкоримиз «Ипотека-банк»ка суянамиз.



Гулҳебра ШУКУРОВА,
«Jamshid Javohir Agrotex» масъулияти чекланган жамият раҳбари:
— Корхонамиз ташкил этилганга кўп бўлмаган бўлсада, ҳозирда ишлаб чиқариш кўрсаткичларимиз хаваас қилса арзигулик. Асосан хотин-қизлар меҳнати асосланган корхонада махсус ишчи кийимлар, халқ эҳтиёжи учун зарур кийим-кечаклар, чойшабларнинг бир неча тури тайёрланади. Ўтган йилда «Ипотека-банк»нинг Бухоро вилояти филиалидан 265 млн. сўм микдорда сармоя эвазига соф пахта толасидан сифатли болалар кийимини тикиб тайёрлашни йўлга қўйдик. Ҳозирда корхонамизда 35 дан ортиқ одам иш билан таъминланган, шундан 15 таси коллеж битирувчиси. Бир кеча-кундузда 200 дан одам ортиқ мавсумий ишчи кийимлар тикиб, 15 млн. сўмлик халқ эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар тайёрланади. Республикамиз бўйлаб ўтказилаётган аънанавий IX «Bank Expo» доирасида эълон қилинган «Аёл тадбиркорлар томонидан амалга оширилган энг яхши лойиҳа» номинациясида голиб бўлиб, имтиёзли кредит олиш имконини берувчи сертификатни қўлга киритдик. Олдимизга қўйган мақсадларимиз улкан. Корхонамизга яқин жойда 4 гектарлик иссиқхона ташкил қилиб, маҳаллий аҳоли учун 50 кишига мўлжалланган янги иш ўринлари яратиш умиддамиз. Буни рўйбга чиқаришда «Ипотека-банк» сармоялари қўл келиши шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз.
Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:
Jahongir Sharofboyev
Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'liqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanariyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73
Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

HUJUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-91) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:
A.Abdullayev
Navbatchi:
D.Oripov
Musahhil:
S.Shodiyeva
Sahifalovchi:
H.Abdullajilov
Boshiga topshirish vaqti — 20:35
Topshirildi — 21:20
1 2 4 5 6

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonana manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonchning» kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Gazeta o'set usulida, A2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma taboq
Buyurtma f — 515.
20734 nusxada bosiladi.
Nashr ko'rsatkichi 133